



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLYIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**



**BUXORO  
DAVLAT  
UNIVERSITETI**



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATSION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI**

**ИЖТИМОЙ СОҶАНИ  
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ КОНТЕКСТИДА  
ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ:  
МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ**

**“ИЖТИМОЙ СОҲАНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ  
КОНТЕКСТИДА ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ  
ТАРАҚҚИЁТИ: МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР”**

**Республика илмий-амалий анжуман**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2021 йил 28 май**

**БУХОРО**

жараёнининг иштирокчиси сифатида ёндашиш ҳолатлари кузатилмоқда. Ваҳоланки, педагогнинг ўз функцияларини маромига етказиб бажаришида таълим олувчилар асосий манба сифатида иштирок этади. Бунда уларни ўқув мотиви, таълим жараёнидан кутишлари, шахсий кадриятларининг таркиб топгани, таянч маданият соҳиби эканлиги, шахсий мақсадини тўғри шаклланганлиги, маънавиятлилик даражаси каби элементлар таълим олиш ва таълим бериш жараёнини самарали кечишини таъминлайди. Гарчи, таълим тизим сифатида мақсад сари, аниқроғи инсоннинг камолотини таъминлаш учун ўзаро алоқадор бўлган, бир бирини тўлдирувчи, такомиллаштирувчи, сон ёки сифат кўрсаткичи бўйича бир элемент ўзгарса албатта иккинчи элемент ҳам ўзгарадиган, турли тузилмавий таркиблардан иборат бўлган мажмуа (бутутунлик) ҳисоблансада, уни назарий моделини куйидагича кўрсатиб ўтиш мумкин:

- **меҳнат бозорининг** (жумладан минтақавий ва жаҳон меҳнат бозорларининг) **таълим олдига қўйган талаблари** (касбий ихтисосликка ижтимоий буюртманинг мавжудлиги?);
- **касбий таълимнинг мақсади** (нима учун ўқитиш керак?);
- **таълимий ахборотнинг мазмуни** (нимага ўқитиш керак?);
- **таълим бериш усуллари** (қандай тартиб асосида ўқитиш керак?);
- **таълим берувчининг шахси** (қандай инсон-мутахассис дарс ўтиши керак?);
- **таълим олувчининг шахси** (талаба қайси ихтисослик бўйича мутахассис-инсон бўлиб чиқиши керак?);
- **иш берувчининг талаб ва таклифлари** (битирувчи таълим муассасасини тугатгач амалиётда мустақил фаолият юрита оладими?);
- **таълим берувчининг таълим бериш фаолиятидан қониққанлиги** (педагог (мураббий) қўлланилган усули, келтирилган мисол ва шарҳидан мамнунми?);
- **таълим олувчининг ўқув фаолиятидан қаноталанганлиги** (таълим олувчи ўзининг натижаларидан, таълим мазмунидан, олаётган ахборот ва таълимий муносабатлардан қаноатланмоқдами?);
- **ахборот маконини яратилганлиги** (аниқ маконда ахборот захирасини яратилиб, улардан фойдаланиш тартибга келтирилганми?);
- **малака ошириш ва касбга қайта тайёрлаш** (қайси ихтисосликларга талаб ошиб бормоқда? мутахассисларда қайси касбий сифатни шакллантириш лозим?).

## ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ.

И.Ф.Қаюмов

БухДУ мусиқа таълими кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:** мақолада умумий ўрта таълим мактабларида ўтиладиган мусиқа дарсларида халқ кўшиқлари ва уларнинг ижро услубларидан фойдаланиш йўллари кўрсатилган бўлиб, бу кўшиқларнинг болаларни она ватанга муҳаббат руҳида тарбилашдаги ўрни ёритилган.

**Калит сўзлар:** куй, кўшиқ, ижро, халқ ижоди, болалар фольклори ижроси, маҳаллий услуб, таълим-тарбия, таҳлил.

**Abstract.** The article gives the results of the analysis of the textbooks on music for secondary schools, based on the analysis, the state of teaching of folk songs at school is studied.

**Key concepts.** General education, folk music, folk songs.

**Резюме.** В статье показаны результаты анализа учебников по музыке для средних общеобразовательных школ, на основе анализа изучено состояние обучения фольклорных песен в школе.

**Основные понятия:** общее среднее образование, музыкальное образование, национальная музыка, фольклорные песни.

Халқ кўшиқлари ҳам бошқа фольклор асарлари каби оғзаки тарзда яратилиб, оғиздан оғизга ўтиб яшайди.

Халқ кўшиқлари куйлашга мўлжаллангандир. Шунинг учун улар куйма бўлади. Яъни халқ кўшиқлари матнида бирор ортикча сўз учрамайди. Борди-ю кўшиқда зўраки сўзлар учраса; ямоққа ўхшаб билиниб қолади. Халқ кўшиқларида сўзларнинг бундай ўзаро мазмун ва оҳанг жиҳатидан мутаносиблик касб этиб келиши натижасида оҳангдорлик пайдо бўлади. Ана шу оҳангдорлик ва оҳангдошлик кўшиққа хос куйнинг яратилиши учун асосий замин бўлади. Бундан кўринаптики, халқ кўшиқлари одатда, ўз куйи ва оҳанги билан бирга яратилади. Унинг куй оҳангига албатта, мавзу гоёсининг таъсири катта бўлади. Яъни қандай мазмунда яратилган бўлса, унинг куй-оҳанги

ўша мазмун билан мувофиқ келади. Одатда, кўшиқнинг мазмуни, унинг куй-охангини белгилаб беради. Бироқ баъзан таниш халқона куйлар асосида ҳам кўшиқ матни яратиш мумкин.

Хуллас, халқ оғзаки ижодида салмоқли ўрин эгаллайдиган кўшиқлар фақат куйлаб ижро этишга мўлжалланганлиги билан ижрочи ва тингловчиларнинг диққатига тез тушади. Ҳатто аксарият кўшиқлар ўйин (рақс) воситасида маълум бир чолгу асбоби ёрдамида ижро этилиши жиҳатидан ҳам эътиборга моликдир. Болаларга ёшлигидан мусиқа санъатига бўлган қизиқишини, меҳрини оширишида, мусикий дид, билим ва тушунчалар доирасини шаклланишида халқ кўшиқлари ўзининг соддалиги, ихчамлиги, ўйноқлиги, куйлашга қулайлиги туфайли жуда кўл келади.

Халқ кўшиқлари болалар тарбиясида уни куйлаш мусикий фаолияти жараёнида гоёвий савиясини ҳамда бадий мазмунини англаб олиш ва ўзининг она ватанига бўлган меҳрини ошириш билан бир қаторда мантикий фикрлаш ва мулоқотини ривожлантиришда яқиндан ёрдам беради.

Халқ кўшиқларини куйлашда мусикий билимларни ўзлаштириш ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконияти кўпроқдир. Куйловчи болаларда бундай билимлар бевосита унинг ҳиссиёт олами орқали эмоционал асосда шаклланиб боради. Яни мусиқани тинглашдан эмоционал идрокка, ундан сўнг эса онгли тафаккурга ўтилади. Шу сабабли ҳам мусиқа асарларини ўзлаштириш жараёнида инсонни ёшлигиданоқ миллий оҳангни идрок этишга, кўшиқларнинг шеърини матнини унинг мусиқа билан қай даражада уйғунлашганини тушунишга ўргатиб бориш лозим, чунки келажак авлоднинг мусикадан завқланиш ва бадий таассуротга эга бўлиш қобилиятларини ривожлантириш муҳим масала бўлиб ҳисобланади.

Истеъдод нишонлари, зехн асосида шаклланидиган мусикий қобилиятлар эса, киши шахсининг муайян бадий фаолиятига фаол иштирокининг натижасида ривожланиб боради. Шу боис мактабларда ҳам мусиқа ўқитувчилари мусикий таълим ўтиладиган ҳар бир соатнинг мақсадини олдиндан белгилаб олиши, маълум мусиқа асарини ўргатар экан, ўқувчиларда қандай мусикий ўқув ва малакани шакллантираётганини англаш лозим. Бироқ мактаб амалиётида мусикий-педагогик дарсларнинг бориши ҳали ҳам давр талаби даражасида эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири мусиқа тарбияси услубиёти айрим муҳим муаммоларнинг ҳал этилмаганлигидир. Ана шундай муаммолардан бири мусиқа тарбиясининг миллий мусиқа маданияти билан ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади. Ўзбек халқ кўшиқлари орқали ёшларини мусиқага қизиқтиришнинг асосий етакчи воситаларидан биридир. Уларда шеърнинг ўз куйи, олдиндан таниш бўлган характери мазмуни билан тез ёқиб қолади.

Инсонда мусикий эшитиш кўникмаси “алла” кўшиғи орқали ҳосил қилиниб, эркалашлар ва овутмачоқлар ёрдамида фаол ошириб борилади. Кейинчалик, эса бола гапиришни ўргангач, ўзи ҳам бевосита ижрочилик малакаларини эгаллаб олиб, ўзининг мусикий тасаввурларини тинимсиз ривожлантириб боради. Бундан кўриняптики, халқ кўшиқлари инсонда мусикий билимларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун асосий пойдевор вазифасини ўтайди. Болани ёшлигидан овутиш учун уни эркалаб, дўсўрлатиб ижро этиладиган кўшиқлар ҳар бир воҳаннинг ўзига хос услубигага бўлиб асосан болага ҳурмат сифатида сиз сўзига кўпроқ урғу берилади ва тиззага кўйиб кўлга кўтариб ҳавога ташлаб эркалаб ижро этилади. Бухорода ҳозиргача ижро этиб келинаётган овутмачоқ кўшиқлар талайгина бўлиб унинг куйи оҳанги услуби аслигача сақланиб ижро этиб келинмоқда.

Хадўрса – дўрса – дўрса

Отаси бозорга борса

Гўшти биринж келтирса

Онаси пазанда бўлса

Ўзбек халқ кўшиқларига хос енгил куйлилиқ ёш авлодга, қолаверса, кишиларга мусиқани осон идрок этишга ёрдам беради. Кишиларда мусиқа тарбиясини такомиллаштириш эса, ҳамниша ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб келган, шунини айтиш керакки, ўзбек халқ кўшиқларининг композицион бутунлигини сўз, оҳанг(куй)ва ҳаракат бирлигида, шу компонентларнинг мантикий алоқадорлигида кузатиб, ўзбек халқ кўшиқлари билан боғлиқ халқ куйларини аниқлаш, уларнинг оҳанг сифатига, темпига ва тембрига баҳо бериш, мусикий табиатини белгиловчи асосий белгиларни аниқлаб топиш, ижроси билан боғлиқ кирраларини ўрганиш ҳамда болаларнинг ёшида мос бўлган мусикавий асарларни уларда тарбия беришдаги родини аниқлаштириш бугунги фолкльоршунослигимиз ва мусиқа назарияси олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Бу айни пайтда, ёш авлодга мусикадан берадиган таълим-тарбия ишларини ҳам кўнгилдагидек режалаштиришни талаб этади. Қолаверса, халқ кўшиқларининг оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб яшаб қолиш учун янада мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Айтиш мумкинки, ўрта мактабларда ўтиладиган мусиқа дарсларида қанчалик кўп халқ

қўшиқларини ўқувчиларга ўргатиш режалаштирилса, шунчалик болаларда мусикавий таассуротлар жонлантирилиши бу айни ҳақиқат. Улар мусикавий образларни идрок этишда, мусиканинг савиясини ҳис этишда, унинг оддий ифода воситалари ва ҳаётий ўрнини билиб олишда қийналмайдилар.

Халқ қўшиқлари мусикасини тушунишда жуда қўл келади. Уларда бу мусиканинг қўшиқона турини фарқлаш учун қулай воситадир. Шунингдек ёшларда мусиканинг ифода воситалари куй, мусиканинг, контраст қисмлари кабилар ҳақида ҳам етарли тасаввур ҳосил қилиш учун ҳам қулайдир. Хуллас, мусикадаги асосий уч жанрнинг бири бўлган қўшиқлар, халқ қўшиқлари ҳамда халқ мусикалари табиатини ўрганиш учун қулай замин ҳозирлайди. Бироқ ҳанузгача на фолкълоршунослик соҳасида, на мусика илмида, ўзбек халқ қўшиқларининг куйлари, уларнинг ижрочилигига ҳос асосий хусусиятлар, белгилар тўлиқ ва яхлит ҳолда маҳсус ўрганилмаган. Афсуски, мусика дарсликларидан жой олган миллий куй қўшиқлар сони ва сифати бугунги кун ўқувчиларининг эҳтиёжтн тўла қондира олмайди. Тўғри, баъзан бу борада айрим фолкълоршунослик бўйича яратилган илмий-назарий манбаларда, айрим фикрларга дуч келиш мумкин. Аммо халқ қўшиқлари ижрочилигига мусикачининг берган баҳоси бошқача бўларди. Чунки халқ қўшиқларининг яшовчанлигида уларнинг куй-оҳанги катта аҳамият касб этади.

Халқ қўшиқлари ижрочилигининг асосий белгилари ва усуллари. Халқ қўшиқлари ижросида мавзу ва матннинг роли. Халқ қўшиқлари фолклорнинг (оғзаки бадий ижоднинг) энг оммавий жанрларидан бири бўлиб, улар анъанавий ижрочиликда ҳам замонавий ижрочиликда ҳам салмоқли ўрнини эгаллайди. Ҳатто уларнинг яратувчилик ҳақида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин.

Халқ қўшиқлари халқ қалбининг кўзгуси, ҳам давр кўзгуси. Уларда халқнинг орзу-умиди, ҳистуйғуси билан бир қаторда ҳаётдаги энг долзарб масалалар ўз аксини топмасдан қўймайди.

Таникли ўзбек фолклоршуноси, ўзбек халқ қўшиқларининг илк йирик тадқиқотчиси Музаляна Алавия бу ҳақда шундай деб ёзган эди: “Халқ қайғули чоғида ҳам, шад-у хуррамлик пайтларида ҳам, қўшиқ ижод этиб, куйга солиб айтади”. Ўзбек халқи орасида куйган ҳам қўшиқчи, суйган ҳам қўшиқчи ёки суйган қўшиқчи бўлар, куйган ўланчи бўлар деган таъбирлар мақол сифатида юритилади. Демак, бир орзу, мақсадга интилганда шунга эришиш учун олиб борилган кураш жараёнида ҳам, ғамга ботган чоғларида уни энгиш учун ҳам, меҳнатни энгиллатиш, хорғинликни энгиш учун ҳам, шод-у хуррамликни исҳор этиш учун ҳам, қўшиқ ижод этиб куйга солиб айтадилар. Турли даврда турли мавзуларда яратилган қўшиқлар ўз даврининг меваси бўлиши билан бир қаторда узок ўтмишнинг тарихий ёдгорлиги ҳамдир.

“Қўшиқ” атамаси туркий “Қўшлик” фелинини ўзагидан ясалган бўлиб, мисрага-мисрани қўшиб куйлаш айтиш деган маъноларни англатади. Халқ қўшиқлари қандай мазмунда яратилганига, ижро ўрнига, тарзига ва вазифаларига қараб турли сифатловчилар билан биргалликда номланади. Масалан меҳнат жараёнида меҳнат қилинаётган киши томонидан ўзи бажараётган иши ҳақида, куйланадиган қўшиқлар меҳнат қўшиқлари дейилса, эркалаб овутадиган қўшиқ болалар қўшиғи бўлиб, ишк муҳаббат мавзусидаги қўшиқлар эса лирик қўшиқлар деб юритилади ва ҳоказо.

Шундай қилиб, ўзбек халқ қўшиқлари яратилиши даврига, ижро ўрнига, ижро табиатига, ижро вақтига қараб хилма-хиллик касб этади.

#### **Адабиётлар**

1. М. Алавия. Ўзбек халқ қўшиқлари. -Т. ЎзРФА нашриёти 1959
2. Ҳ. Нурматов, Н. Норхўжаев, О. Иброҳимов ва бошқалар. Мактаб “Мусика” дарсликлари (1-7 синфлар учун) Тошкент 2015
3. Д. Ражабов. Т. Ражабов Халқ қўшиғи ва мусика ижрочилиги. Илмий рисола. Тошкент Наврўз нашриёти 2018.

### **МИЛЛИЙ АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИДА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ**

*Азимов Асқаджон Аҳтамович  
Бухоро давлат университети  
Тасвирий санъат ва муҳандислик  
графикаси кафедраси ўқитувчиси  
Нуруллаев Феруз Файзуллоевич  
Бухоро давлат университети*

*Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Маълумки, жамият тараккиётида таълим-тарбия, унинг мазмунини, мақсад

SAMARADORLIGINI OSHIRISH SHART SHAROITLARI.....	177
D.Sattarova. МАКТАВГАСНА ТА'ЛИМДА ТА'ЛИМ-ТАРБИYA MASALALARI.....	178
М.О.Иргашева. РОСТ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО УРОВНЯ МОЛОДЕЖИ СОВРЕМЕННОГО УЗБЕКИСТАНА.....	179
Н.В. Погорелова, О.Ю. Денисова. ТЕХНОЛОГИИ ФОРМИРОВАНИЯ ПОЗИТИВНОГО ИМИДЖА УЧРЕЖДЕНИЯ КУЛЬТУРЫ.....	180
Ў.Т.Бобоева ФАНЛАРАРО АЛОҚАДОРЛИК АСОСИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИАТЛАРИ.....	185
Р.А.Литвак, Ю.Г. Голубкова, О.Е. Кутепова. ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЕ ПРОСТРАНСТВО ВУЗА КАК ФЕНОМ СОЦИОКУЛЬТУРНОГО РАЗВИТИЯ ЛИЧНОСТИ.....	185
Р.А.Литвак, О.А.Аккерман, К.С.Ахметова КУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБРАЗОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ЛИЧНОСТИ.....	187
Р.Шомуратов ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШДА АХБОРОТ ТИЗИМИГА НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВ.....	189
И.Ф.Қаюмов. ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ.....	191
А.А.Азимов, Ф.Ф.Нуруллаев. МИЛЛИЙ АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИДА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ.....	193
Н.В.Погорелова, А.А.Решетникова. СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ ПОДРОСТКОВ.....	196
A.Rajabov «MUSIQA O'QITUVCHILARINI TAYYORLASH JARAYONIDA DIRIJORLIK FANINING MAQSAD VA VAZIFALARI YOSHLAR HAYOTIDA MA'NAVIYATNING TUTGAN O'RNINI».....	200
Z.Z. Shernazarov ABDULLA AVLONIYNING IJODIY FAOLIYATI.....	202
С.Умарова. МУҲАММАД АВФИЙ БУХОРИЙНИНГ «ЖАВОМЕЪ УЛ-ҲИКОЪТ» АСАРИДА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР.....	204
M.Ismoilova INNOVATION YONDASHUV ASOSIDA TA'LIMNI TASHKIL ETISHNING ZAMONAVIY YO'NALISHLARI.....	207
У.Х.Абдуллаева. БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИ ИЖОДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШДА АЖДОДЛАР МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	208
Н.Ж.Бобомуродова, З.Ж.Фозилова. ЭКОЛОГИК САВОДХОНЛИК - ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗ КУШАНДАСИ.....	210
G.Saidnazarova. BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA KASBIY MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK OMILLARI.....	211
Б.Т.Ҳамраев БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ ЭЪТИҚОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА.....	213
М.Ш.Ҳожиева, Ш.И.Ҳакимова. ТАЛАБАЛАРДА МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЗИДДИЯТЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ.....	216
М.А.Жунайдуллаев. ЁШЛАР ИЖТИМОЙЛАШУВИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ВА МИЛЛИЙ – СИЁСИЙ МЕНТАЛИТЕТНИНГ АҲАМИЯТИ.....	218
Л.Л.Нуруллоев. ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ – ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ.....	221
S.S.Muxlisova BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'QUV JARAYONINI TASHKIL QILISHDA NAMKORLIK STRATEGIYASI.....	223
М.Ҳоджаева. ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ҲОДИСА СИФАТИДА.....	224
Г.И.Сафарова. МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ БИЛИМ МАЗМУНИ.....	225
Н.И.Давронов. ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚНИНГ ТЕНГСИЗ БОЙЛИГИДИР.....	226
С.Ҳамроев. ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОЕ ОСНОВА ВОСПИТАНИЯ И ОБРАЗОВАНИЯ ПРЕДКОВ.....	228